



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Худойқулов Садирдин Каримович

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор. Тошкент, Ўзбекистон.
s.xudoyqulov@tsue.uz

Бабаев Шавкат Байрамович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Солиқлар ва суғурта иши" кафедраси доценти, PhD. Тошкент, Ўзбекистон.
sh.babaev@tsue.uz

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a28

Аннотация

Мазкур мақолада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ тушумларини прогнозлаштиришнинг хориж тажрибаси борасидаги муаммолар ва ушбу жараёни янада такомиллаштириш бўйича методологик ёндошув акс эттирилган.

Калит сўзлар: солиқ тўловчилар, шахсий қарз, даромад солиғи, оддий резидент, шахсий даромад, солиқ ставкаси, солиқ базаси, декларация, солиқ имтиёзлари, молия йили.

Аннотация

В данной статье отражены проблемы зарубежного опыта прогнозирования налоговых поступлений от налога на доходы физических лиц и методический подход к дальнейшему совершенствованию этого процесса.

Ключевые слова: Налогоплательщики, источник, бюджет, государство, режим налогообложения, налоговый статус, подоходный налог, обычный резидент, личный доход, налоговая ставка, налоговая база, декларация, налоговые вычеты, финансовый год.

Abstract

This article reflects the problems of foreign experience in forecasting tax revenues from personal income tax and a methodological approach to further improvement of this process.

Key words: Taxpayers, source, budget, state, tax regime, tax status, income tax, ordinary resident, personal income, tax rate, tax base, declaration, tax deductions, fiscal year.

Кириш

Давлатнинг молиявий сиёсатида ижтимоий хизматларнинг асосий манбаи бўлган давлат бюджети даромадларини тўғри аниқлаш ва унга мувофиқ равишда харажатлар сиёсатида мутаносибликни таъминлаш дунёдаги барча давлатларнинг асосий функциялари сифатида ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Жаҳон бозоридаги беқарорликнинг сақланиб қолиши, дунё миқёсида умумий ташқи ва ички қарздорликнинг ошиб бориши, давлат бюджетига ўз таъсирини ўтказиб бормоқда.

«2022 йил учун давлат бюджети асосий кўрсаткичлар таҳлили асосида давлат бюджети даромадлари 200 трлн сўм ёки ЯИМнинг 23,8%и миқдорида белгиланди. Улардан солиқ тушумлари 68,5 трлн сўм, шу жумладан ЖШДС – 22 трлн сўмни ташкил этади» [25]. 2022 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон аҳолисининг реал даромадлари ўсиши 3,3 фоизгача секинлашди. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 7,7 фоизга тенг бўлганди. Аҳолининг даромадлар таркибида пул ўтказмаларининг улуши камайди. Шу билан бирга, аҳоли жон бошига умумий даромад 3,2 млн сўмгача кўтарилди. 2022 йилнинг илк уч ойида аҳоли жон бошига умумий даромадлар 3,2 млн сўмгача кўтарилди. Номинал кўринишда тушумлар 13,6 фоизга, реал қийматда 3,3 фоизга (истеъмом нархларини ҳисобга олган ҳолда) ўсди. Бу кўрсаткичлар ҳам 2021 йилнинг биринчи чорагига — 19,8% ва 7,7% нисбатан камроқ ҳисобланади. Ишчиларнинг даромадлари умумий даромаднинг 32,8 фоизини ташкил қилади [26].

Ҳозирги кунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини прогнозлаш макроиқтисодий кўрсаткичлар асосидаги индикатив усуллар воситасида амалга оширилмоқда. Бунда бюджетга солиқ тушумларини тахминлашнинг асоси солиқ базасига таъсир этувчи макропруденциал кўрсаткичлар ҳисобланиб, ушбу услубиёт иқтисодиётдаги барқарор вазиятларда самарали ҳисобланади. Шунга кўра ўрта муддатли фискал сиёсат ва репрезентатив солиқ тизимини жорий этиш шароитида давлат бюджетига жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни ўрта муддатли прогнозлашнинг комбинациялашган усуллари, алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ тушумларини қисқа ва ўрта муддатли прогнозлашда динамик қаторлар трендига асосланган имитацион, детерминистик, адаптив моделлаштириш усулларидан фойдаланиш бу борадаги илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи прогнози бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган Е.Шередко ва М. Пинскаялар бу муаммони ҳудудларда инсон капиталини жойлаштириш нуқтаи назаридан ёндошган. Л.Королева, Т.Ермошиналар эса, ўз тадқиқотларида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи прогнозида норматив ажратмалар асосида маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларига таъсир этувчи омилларни баҳолаган [1,2].

В.Коростолева эса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига таъсир этувчи омилларни турли хил методларни қўллаган ҳолда таҳлил қилган. М.В.Пыльцина, А.Г.Казьмина, И.В.Оробинскаялар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини прогноз қилиш жараёнида қўшимча имкониятларни баҳолашни амалга оширган бўлса, Е.Е.Смирнова мазкур солиқ тури прогнозида солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлиги масаласини тадқиқ этган [3-5].

Шунингдек, рус олимларидан Д.Колодин ва С.Попковлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи прогнозида солиқ тўловчиларнинг яшаш манзилига асосланган ҳолда амалга ошириш масалаларига эътибор қаратган, Н.И.Черхарова эса, даромад солиғи прогноз қилишнинг эхтимолий модел асосида солиқ тушумларини баҳолашни кўрсатиб берган. А.Г.Казьмин, И.В.Оробинская, Л.П.Королева, Т.В.Ермошиналарнинг ҳам ўз тадқиқотларида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини прогноз қилиш масаласига кенг эътибор қаратган. Агар эътибор қаратадиган бўлсак, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни прогнози бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларда асосан даромад солиғи устуворликни эгаллайди, айнан, А.С.Кокин, А.В.Едроновларнинг илмий тадқиқотларида даромад солиғини прогноз қилишда корреляцион ва регрессион таҳлилнинг аҳамияти кўрсатиб

берилган бўлса, А.В.Едроновнинг тадқиқотлари Россия ҳудудий субъектларида ўрта муддатли бюджетларни шакллантиришда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи прогнозининг аҳамияти асослаб берилган, Бундан ташқари хорижлик олимлардан М.Рубин, Дж.Питерс, Н.Мантелла, П.Спан ва М.Пирсонларнинг илмий тадқиқотларида ҳам жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, жумладан даромад солиғи прогнозига кенг ўрин берилган[6-13].

Тадқиқот методологияси

Солиқ сиёсатига оид илмий тадқиқот ишларини илмий-таҳлилий ўрганишда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини прогноз қилиш жараёнида корреляцион-регрессион анализ амалга оширилиб, эконометрик модел ёрдамида прогноз кўрсаткичларига таянилди. Хорижий давлатларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини прогноз қилиш жараёнини турли усуллари муваффақиятли қўллаш орқали комплекс таҳлилларга асосланиб илмий-амалий таклифлар шакллантирилди. Бюджетлар даромадларини режалаштиришда жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар доирасида солиқ тушумларининг прогноз кўрсаткичлари аниқлигини таъминлашнинг назарий-методологик ва услубий аппаратни такомиллаштириш, улардан мазкур мавзу доирасидаги илмий тадқиқот ишларини янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Таҳлил ва натижалар

Жисмоний шахсларнинг шахсий даромадларини бевосита солиққа тортиш деярли барча мамлакатларда мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда унинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улушини ошириш томон силжиш кузатилмоқда. Бироқ, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг аҳамиятига қарамай, бу қисмдаги ички тартибга солиш тажрибаси номукамал бўлиб қолмоқда, чунки: жисмоний шахсларга солиқ юкининг аҳамияти юқори; шахсий даромад солиғи бўйича солиқ имтиёзларини тақдим этиш механизми ижтимоий адолат тамойилига жавоб бермайди; солиқ маъмуриятчилиги муаммолари етарли даражада ривожланмаган; шахсий даромад солиғи ставкасини оптималлаштириш муаммолари мавжуд.

Аввало таъкидлаш жоизки, ҳар бир мамлакатда даромад солиғи тарихий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа омиллар туфайли ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, даромад солиғининг (income tax) ватани бўлган Буюк Британияда 1973 йилдаги солиқ ислоҳоти орқали шахсий даромадларни солиққа тортишнинг замонавий тизими жорий этилди. Буюк Британияда солиққа тортиш режими жисмоний шахснинг резидент, оддий резидент ёки яшаш жойи мақомига эга бўлишига бевосита боғлиқ [14].

«Оддий резидент» (ordinarily resident) – Буюк Британияда уч йилдан ортиқ истиқомат қилган шахс ёки мамлакатга келганидан кейин уч йилдан ортиқ қолиш ниятини билдирган шахс. Яшаш жойи мақоми Британия ҳуқуқи концепциясига мувофиқ белгиланади: агар шахс Буюк Британияда туғилган бўлса, у британиялик ота-она оиласида туғилган бўлса, Буюк Британияда доимий мавқега эга бўлади [15].

АҚШда даромад солиғи федерал солиқлар, штат солиқлари ва маҳаллий солиқларнинг бир қисми ҳисобланади, яъни ҳокимиятнинг барча тармоқлари орасида тақсимланган. Даромад солиғи жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги корхоналар ва юридик шахслар билан боғлиқ бўлмаган шериклик асосида тўланади. Жисмоний шахслар турлича солиқ мақомига эга бўладилар, бунда тегишли чегирмалар белгиланади: қўшма декларацияни тўлдирган эр-хотинлар; алоҳида солиқ декларациясини тўлдирган эр-хотинлар; оила бошлиқлари; ёлғиз солиқ тўловчилар; бева аёллар, бева эркаклар.

Ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг ҳам, иш билан банд бўлганларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ иш кийимлари, транспорт ва бошқа харажатлар чегириб ташланади. Даромадларнинг айрим турлари тўлиқ ёки қисман: узоқ муддатли капитал активларини сотишдан олинган даромаднинг 50 фоизи, давлат ёки маҳаллий ҳукуматлар томонидан чиқарилган облигациялар бўйича фоизлар, давлат ва хусусий ижтимоий сўғурта фондларидан олинувчи тўловларнинг айрим турлари чиқариб ташланади.

Солиқ тўловчи даромадлардан одатдаги чегирмалар ўрнига харажатларни моддалар бўйича ҳисобга олишда фойдаланиши мумкин: шахсий қарзлар ва мулк гарови сифатида ипотека қарзлари бўйича фоизлар; тиббий харажатлар; хайрия фондларига бадаллар; малака ошириш, саёҳат харажатлари; давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар; янги яшаш жойига кўчиш харажатлари [16]

Францияда солиқ имтиёзларининг кенг тизими мавжуд: профессионал, оилавий, ижтимоий, мулкӣ. Францияда даромад солиғи ставкаси илғор бўлганлиги сабабли, ушлаб қолиш ҳажми қўлланилувчи ставкага таъсир этиши мумкин. Бундан ташқари, Францияда бу солиқни тўлашдан бутунлай озод бўлган кишилар тоифаси мавжуд – маълум даромаддан кам даромадга эга жисмоний шахс, 2021 йил 1 январгача Россияда эса ҳар бир жисмоний шахс иш ҳақи миқдоридан қатъий назар 13 % миқдоридан солиқ тўлаши шарт бўлган. 2021 йил 1 январдан бошлаб 5 миллион рублдан ортиқ даромадлар 15% солиқ ставкаси бўйича солиққа тортилади [17,18].

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумларни прогноз қилиш ҳолатини таҳлил этадиган бўлсак, юқорида қайд этилган давлатлар орасида Россия Федерациясининг тажрибаси анча илғор, аниқ ва тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида прогноз методларининг ҳамда ҳисоблаш усулларининг белгилаб қўйилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади ва бунинг ҳуқуқий асоси сифатида Россия Федерациясининг келгуси молия йили ва режалаштириш даври учун жамланма бюджетига тушумларни прогнозлаш методологияси [19] асосида амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар прогноз ҳажмини ҳисоблаш кўрсаткичлар, ставкалар даражаси ва бошқа кўрсаткичларнинг прогноз кўрсаткичларини (солиқ учун солиқ имтиёзлари, йиғим ставкаси ва бошқалар) тўғридан-тўғри фойдаланишга асосланган тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули бўйича амалга оширилади.

Жисмоний шахслар даромадлардан олинадиган солиқнинг прогноз қилинган суммаси солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш натижасида келиб чиқадиган солиқларнинг солиқ солинадиган базада қайд этиладиган солиқ имтиёзлари ва солиққа тортилмайдиган даромадлар кўринишидаги қисқаришини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

Жисмоний шахслардан транспорт солиқлари даромадлари прогнози солиқ органлари томонидан солиқ декларациясини юбориш ва Солиқ кодексига мувофиқ солиқни тўлаш учун белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Прогнозлаш методологияси жорий молиявий йил, келгуси молиявий йил ва режалаштириш даврида даромадлар тушумини прогноз қилишда ягона ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган. Жорий молия йили учун прогнозлаш методологияси, шу қаторда, жорий йилнинг ўтган ойлари бўйича даромадларнинг ҳақиқий тушумлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи асосида корреляцион-регрессион анализ амалга оширилиб, эконометрик модел ёрдамида прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Бу ҳолатда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланган ялпи ички маҳсулот, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сони, ўртача номинал иш ҳақи, ўртача солиқ ставкаси ва инфляция даражаси танланган ҳолда регрессион ва корреляцион модел тузиш ушбу модел асосида прогноз қилишдан иборат. Тадқиқотда 2010 – 2018 йиллар маълумотлари асосида кўп омилли регрессион ва корреляцион эконометрик модел тузилган. Ушбу моделларни тузишда ҳозирги кунда эконометрикада кенг қўлланилаётган “Eviews 10” дастуридан фойдаланамиз. Кўп омилли регрессион ва корреляцион эконометрик моделини тузишда натижавий омил жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (*IT*) ва унга таъсир қилувчи омиллар қилиб, ялпи ички маҳсулот (*GDP*), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони (*NIT*), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сони (*NFIT*), ўртача номинал иш ҳақи (*ANW*), ўртача солиқ ставкаси (*ATR*), ва инфляция даражаси (*IR*) белгиланиб, тадқиқот гипотезалар аниқланди:

H_1 – ялпи ички маҳсулот ҳажмини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумини ўсишига боғлиқ ва юқори таъсирга эга;

H_2 – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумини ўсишига боғлиқ боғлиқ ва юқори таъсирга эга;

H_3 – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сони жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумини ўсишига боғлиқ ва юқори таъсир даражасига эга;

H_4 – ўртача номинал иш ҳақи ўсиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумини ўсишига боғлиқ ва юқори таъсир даражасига эга;

H_5 – ўртача солиқ ставкаси ўзгариши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумини ўсишига ўсишига боғлиқ ва юқори таъсир даражасига эга;

H_6 – инфляция даражасини ўзгариши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумини ўсишига ўсишига боғлиқ ва юқори таъсир даражасига эга;

Юқоридаги гипотезадан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги математик функцияларни шакллантирилди:

$$I_{IT} = \alpha + \beta_0 G_{GDP} + \beta_1 N_{NIT} + \beta_2 F_{NFIT} + \beta_3 A_{ANW} + \beta_4 T_{ATR} + \beta_5 I_{IR} + \varepsilon_i \quad (1)$$

Бу ерда:

I_{IT} - омил жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушими;

G_{GDP} - ялпи ички маҳсулот;

N_{NIT} - жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилар сони;

F_{NFIT} - жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сони;

A_{ANW} - ўртача номинал иш ҳақи;

I_{IR} - инфляция даражаси;

Юқоридаги (1) кўп омилли регрессион ва корреляцион экономерик моделини тузишда “энг кичик квадратлар усулидан” (Ordinary least squares) фойдаланган ҳолда амалда амалга оширилади.

Кўп омилли регрессион ва коррелицион экономерик моделини тузишдан олдин танланган омилларининг орасида қандайдир даражада корреляция мавжуд бўлиб, бу эса мультиколлиниарлик муаммосини келтириб чиқаради [20]. Натижада, эрксиз ўзгарувчига асосий таъсир қилувчи эрки ўзгарувчининг таъсири йўқолишига олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мультиколлиниарлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида танлаган ўзгарувчиларнинг корреляцион матричасини туздик, мазкур корреляцион матрица қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (1-жадвал).

1-жадвал

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи таъсир этувчи ўзгарувчилар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик матричаси¹

Кўрсаткичлар	<i>lnIT</i>	<i>lnNFIT</i>	<i>lnGDP</i>	<i>lnATR</i>	<i>lnNIT</i>	<i>lnANW</i>	<i>lnIR</i>
<i>lnIT</i>	1.000000						
<i>lnNFIT</i>	0.895929	1.000000					
<i>t</i> -статистика	5.704821						
эҳтимоллиги	0.0005						
<i>lnGDP</i>	0.966501	0.921170	1.000000				
<i>t</i> -статистика	10.65084	6.695076					
эҳтимоллиги	0.0000	0.0002					
<i>lnATR</i>	-0.807861	-0.501261	-0.671571	1.000000			
<i>t</i> -статистика	-3.876960	-1.638493	-2.563621				
эҳтимоллиги	0.0047	0.1400	0.0335				
<i>lnNIT</i>	0.356926	0.211579	0.235388	-0.636924	1.000000		
<i>t</i> -статистика	1.080723	0.612297	0.685025	-2.336790			
эҳтимоллиги	0.3113	0.5573	0.5127	0.0477			
<i>lnANW</i>	0.972674	0.947409	0.994270	-0.668710	0.256902	1.000000	
<i>t</i> -статистика	11.84946	8.373305	26.30744	-2.543832	0.751864		
эҳтимоллиги	0.0000	0.0000	0.0000	0.0345	0.4737		
<i>lnIR</i>	0.625675	0.480436	0.688556	-0.508778	-0.026079	0.630741	1.000000
<i>t</i> -статистика	2.268571	1.549411	2.685573	-1.671560	-0.073787	2.298998	
эҳтимоллиги	0.0530	0.1599	0.0277	0.1332	0.9430	0.0505	

1-жадвалдаги маълумотларни таҳлили шуни кўрсатадики, хусусий корреляция коэффицентлари орасида энг зич боғлиқлик ўртача солиқ ставкаси (*lnATR*) ва шахслардан олинadиган даромад солиғи тўловчилар сони (*lnNIT*) ўзгарувчилар ўртасида кузатилмоқда. Улар ўртасидаги корреляция коэффиценти -0.636924 га тенг ва тескари боғланишга эга. Бундан ташқари, ялпи ички маҳсулот (*GDP*) ва ўртача номинал иш ҳақи (*ANW*) ўзгарувчилар ўртасида зич боғланиш бўлиб, корреляция коэффицент 0.994270 га тенг. Шунингдек, ялпи ички маҳсулот (*GDP*) ва инфляция даражаси (*IR*) ўзгарувчилар зич боғланишда бўлиб, корреляция коэффицент 0.688556 га эга. Ўзгарувчиларнинг зич боғланиши бошқа ўзгарувчиларнинг таъсирлик даражасини камайтиришга олиб келади. Шунинг учун зич боғланишга эга бўлган бироқ эрксиз ўзгарувчи ҳисобланган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тушуми (*IT*) таъсир қилмайдиган эрки ўзгарувчиларни тушириб қолдирган ҳолда кўп омилли регрессион моделни шакллантирамиз (2-жадвал).

**Eviews дастури асосида кўп омилли регрессион ва корреляцион таҳлил
натижалари²**

Эркин ўзгаришчи: *lnIT*

Эркин ўзгаришчилар	Кoeffициент	Стандарт хатолик	t-статистик	Эҳтимолиги (P-қиймат)
<i>lnGDP</i>	0.367359	0.097625	3.762983	0.0094
<i>lnNFIT</i>	0.304874	0.097234	3.135465	0.0202
<i>lnATR</i>	-2.233020	0.328843	-6.790541	0.0005
C	5.987236	1.216507	4.921662	0.0027
Детерминация коэффициенти	0.992439	Боғлиқ ўзгаришчиларнинг ўртача қиймати		8.144312
Туғилган детерминация коэффициенти	0.988659	Боғлиқ ўзгаришчиларнинг стандарт четланиши		0.570421
Регрессиянинг стандарт хатолиги	0.060747	Акайкенинг мезони		-2.475021
Қолдиқларни квадрат йиғиндиси	0.022141	Шварц мезони		-2.353986
Максимал ўхшашлик функциясининг қиймати	16.37510	Ханнан-Куинн мезони		-2.607795
F-статистикаси	262.5216	Дарбин-Уотсон статистикаси		2.553175
Эҳтимолиги (F-статистикаси)	0.000001			

Юқоридаги келтирилган ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги кўп омилли регрессион модел шаклланди.

$$\ln \widehat{IT} = 5.987236 + 0.367359 \ln GDP + 0.304874 \ln NFIT - 2.233020 \ln ATR + \varepsilon \quad (2)$$

Шакланган моделда туғилган детерминация коэффициенти шуни кўрсатадики, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи (*IT*)ни 99 фоиз моделда шакллантирилган омиллар ялпи ички маҳсулот (*GDP*), жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сони (*NFIT*) ва ўртача солиқ ставкаси (*ATR*)га боғлиқдир. Қолган 1 фоиз эса ҳисобга олинмаган бошқа омилларга боғлиқ ҳисобланади. жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи (*IT*) таъсир қилувчи омиллар ҳисобланган ялпи ички маҳсулот (*GDP*), жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сони (*NFIT*) ва ўртача солиқ ставкаси (*ATR*)ни таъсири даражасини коэффицентни 5 фоизлик муҳимлик даражасида аниқланди [21]. Регрессион моделининг ялпи ички маҳсулот (*GDP*), жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сони (*NFIT*) ва ўртача солиқ ставкаси (*ATR*) коэффицентлари P-қийматининг эҳтимолиги 0,05 кичик бўлиб, ушбу коэффицентлар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи (*IT*)ни ўзгаришига таъсир қилишини кўрсатади. Тузилган регрессион моделининг Фишернинг F-статистикасининг P-қийматининг эҳтимолиги 0,05 дан кичик бўлиб, ялпи ички маҳсулот (*GDP*), жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сони (*NFIT*)

ва ўртача солиқ ставкаси (*ATR*) мустақил ўзгарувчи омиллари бирдан ўзгариши боғлиқ ўзгарувчи ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (*IT*)га таъсир қилишини кўрсатади [22,23].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 1 фоизга ўсиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушуми (*IT*)ни 0,36 фоизга ўсишига, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сонининг 1 фоизга ўсиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушуми 0,30 фоизга ўсишига олиб келади. Бироқ, ўртача солиқ ставкасининг 1 фоизга ўсиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумни 2,23 фоизга камайишига олиб келади. Бошқа омилларни ҳисобга олмаган ҳолда ялпи ички маҳсулот ҳажми, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича декларация топширганлар сони ва ўртача солиқ ставкасини биргаликда 1 фоизга ўсиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушуми ни 1.57 фоизга пасайишига олиб келади [24].

Солиқларни прогноз қилишни халқаро тажриба жараёнини тадқиқ этиб, бу жараённинг ўзига хос қуйидаги хусусиятларга эгаллигини юзага чиқардик:

биринчидан, солиқ тушумларини, жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқлари бўйича прогноз қилиш аввало ҳар бир давлатнинг ўзининг молиявий сиёсатидаги маъмурчиликнинг ташкил этилишидан келиб чиқиб фарқланади;

иккинчидан, солиқ тушумларини прогноз қилиш жараёнини амалга оширувчи органлар турли тумандир;

учинчидан, прогноз жараёнини амалга оширишда қўлланиладиган методларнинг расмий белгиланиши билан фарқланади;

тўртинчидан, солиқ тушумларини прогноз қилишда асосий таъсир этувчи омиллар ёки индикаторларнинг танланиши ўзаро фақланади;

бешинчидан, солиқ тушумларини прогноз қилишда қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда бир хил ёндошув эмас.

Кўпгина мамлакатларда солиқ тизимлари сезиларли вақт давомида ривожланиб, уларга турли хил иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омиллар таъсир кўрсатган. Шу сабабли турли мамлакатлардаги солиқ тизимлари нафақат солиқ турлари ва таркиби, ставкалари, йиғиш усуллари, балки ҳокимиятнинг солиқ-бюджет ваколатлари ва тақдим этилаётган имтиёзлари билан ҳам фарқланади.

Хулоса ва таклифлар

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқларини прогноз қилишнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Прогноз жараёнининг кўлами, унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар иқтисодий тизимга ҳам боғлиқ бўлади. Режали иқтисодиётдаги прогнознинг хусусияти билан аралаш бозор муносабатларига асослаган иқтисодий тизимдаги прогнознинг кўлами ва унинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар тубдан фарқланади. Прогноздан асосий мақсад ва унинг вазифалар ҳам давлатнинг иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгиланган ва шундай ҳам бўлиши керак.

Солиқ тўловлари тушумларини самарали прогноз қилиш ва режалаштириш муҳим роль ўйнайди, чунки бир томондан, солиқ тушумлари даражасининг оширилганлиги ўзини оқламаслиги ва бюджетга солиқ тушумларини жалб қилишда қийинчиликлар юзага келтириши мумкин, бошқа томондан – солиқ тушумларининг пасайтирилган прогнози бюджет тизими даромадларининг харажатлардан ортиқ

бўлишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида, бюджет маблағларини сарфлаш самарадорлигини пасайтиради. Шу боисдан, мамлакат иқтисодиётини ва хусусан, солиқ тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири макро ва микродаражада солиқларни прогноз қилиш ва режалаштириш тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шередеко Е.В., Пинская М.Р. Прогноз поступлений налога на доходы физических лиц с учетом территориального размещения человеческого капитала. Журнал "Налоги и налогообложение" № 12. 2016 год. Стр. 928-938.

2. Королева Л.П., Ермошина Т.В. Анализ влияния норматива отчислений от налога на доходы физических лиц в бюджеты городских округов на уровень их бюджетнообеспеченности и привлекательности (на примере городских округов субъектов Приволжского федерального округа РФ) // Налоги и налогообложение. – 2014. – №1. – С.7-22.

3. Коростелева В.В. Анализ факторов, влияющих на поступления налога на доходы физических лиц (на примере Ханты-Мансийского Автономного Округа-Югры) // Экономика и социум. - 2014. -№1-2 (10). – С. 13-21.

4. Пыльцина М.В., Казьмина А.Г., Оробинская И.В. Минимизация налога на доходы физических лиц с использованием вспомогательного способа // Финансы и кредит. – 2012. – №21(50).

5. Смирнова Е.Е. Эффективность администрирования налога на доходы физических лиц // Научное мнение. – 2015. – №2-3.- С. 37-40.

6. Колодин Д.М., Попков С.Ю. Проблемы перехода на зачисление НДФЛ по месту жительства налогоплательщика // Налоговая практика и практика.- 2008. – №29(317).- С. 43-50.

7. Черхарова Н.И. Построение вероятностной модели прогнозирования динамики налоговых поступлений на примере налога на доходы физических лиц // Известия Байкальского государственного университета. - 2010.- № 4.- С. 148-151.

8. Казьмин А.Г., Оробинская И.В. Анализ поступления налогов в бюджеты областей Центрально-Чернозёмного района // Финансы и управление.- 2012.- №1.- С.156-211.

9. Королева Л.П., Ермошина Т.В. Анализ влияния норматива отчислений от налога на доходы физических лиц в бюджеты городских округов на уровень их бюджетнообеспеченности и привлекательности (на примере городских округов субъектов Приволжского федерального округа РФ) // Налоги и налогообложение. - 2014. - № 1. - С.7-22.

10. Кокин А.С., Едронов А.В. Применение корреляционно-регрессионного анализа в прогнозировании налоговых поступлений в бюджет субъекта федерации. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2010, № 2 (1), с. 233–241.

11. Едронов А.В. Прогнозирование налога на доходы физических лиц в целях формирования среднесрочных бюджетов субъектов Российской Федерации финансы и кредит 47 (431) – 2010. стр. 19-26.

12. Rubin M. J., Peters L., Mantell N. Revenue forecasting and estimation. Handbook on Taxation. — New York: Marcel Dekker, 1999. 3 Tax Modelling for Economies in Transition.

13. Spahn P. B., Pearson M. (eds). — Hampshire: Macmillan Press, 1998. 4 Buck A. E. Public Budgeting. New York: Harper and Row, 1929.
14. Романова Н.А. Зарубежный опыт налогообложения доходов физических лиц//Журнал Проблемы экономики и менеджмента.2014. № 7 (35) стр. 50-53.
15. Костылева Л.В. Налогообложение как механизм регулирования неравенства населения // Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз. — 2011. — № 3 (15). — С. 66–77.
16. Терентьева С.Н. Сравнительная характеристика налогообложения физических лиц налогом на доходы в США и во Франции // Финансовый менеджмент. — 2005. —№ 2. — С. 78–91.
17. Ябурова Д.В. Недостатки и тенденции развития НДФЛ в РФ // Современная экономика: проблемы, тенденции, перспективы. — 2014. — № 10. — С. 45–54.
18. Федеральный закон от 23.11.2020 № 372-ФЗ "О внесении изменений в часть вторую Налогового кодекса Российской Федерации в части налогообложения доходов физических лиц, превышающих 5 миллионов рублей за налоговый период"
19. Методики прогнозирования поступлений доходов в консолидированный бюджет Российской Федерации на очередной финансовый год и плановый период. Министерство финансов Российской Федерации, Федеральная налоговая служба. Приказ от 23 августа 2017 года N ММВ-7-1/645.
20. Khudoykulov S.K., Babaev Sh.B. Directions for improving the process of forecasting the property tax of individuals// Web of scientist: international scientific research journal. ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 6, June, 2022
21. С.К.Худойқулов. Солиқларни прогноз қилишнинг зарурий омиллари ва унинг тамойиллари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил
22. С.К.Худойқулов. Корхоналарда солиқларни режалаштиришни такомиллаштириш масалалари. “Иқтисодийот ва таълим” илмий электрон журнали. —Т., ТДИУ, № 3, 2017 йил
23. Бабаев Ш.Б. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича тушумларни прогнозлаштиришда солиқ рискинни баҳолашни такомиллаштириш. «Молия ва банк иши» электрон илмий журнал. - Т.: БМА, № 2, 2020 йил.
24. Babayev Sh.B. Perfection of methodology of forecasting of tax revenues from physical persons: foreign experience. Theoretical & Applied Science. Philadelphia, USA, 2019. №04(72). (International Scientific Journal Theoretical & Applied Science Journal Impact Factor ESJ1: 8.716). <http://t-science.org/>.- P. 526-531.
25. <https://review.uz/oz/post/gosbyudjet-na-2022-god-analiz-osnovnx-pokazateley>
26. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/04/29/total-income/>
27. <https://www.imf.org/ru/Publications/FM/Issues/2020/04/06/fiscal-monitor-april-2020>
28. <https://translate.academic.ru/multicollinearity/en/ru/>. Регрессион таҳлилда икки ва ундан ортиқ мустақил (боғлиқ бўлмаган) ўзгарувчилар ўртасида юқори корреляциядир.